

## Хорижий илғор компаниялар билан ҳамкорлик

Институтимиз “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультети билан Россия Федерациясининг “Ростсельмаш” компанияси ҳамкорлик шартномаси доирасида, “Ростсельмаш” компаниясининг Марказий Осиё бўйича маркетинг директори Алла Александровна Демченко институтимизга ташриф буюрди.



Ташриф доирасида А.А.Демченко “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультети ўқув жараёни, факультетдаги кафедралар фаолияти ва уларнинг ўқув базаси билан танишди. Шундан сўнг А.А.Демченко “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультети профессор-ўқитувчилари, магистр талабалари билан учрашуви бўлиб ўтди.



Учрашув сўнгида А.А.Демченко келгусида “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультетига “Ростсельмаш” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган техникаларининг замонавий лаборатория стендлари билан бойитилиши борасидаги ишлар давом эттирилишини айтиб ўтди. Шунингдек, профессор-ўқитувчиларнинг стажировка ўташлари ҳамда компания томонидан адабиётлар билан таъминланиши юзидан келишиб олинди.

